



## ТЕХНИК ТОПШИРИК

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона минтақавий  
банк хизматлар офиси(БХО) биносининг 2-3  
қаватларини мукамал таъмирлаш ишлари**

**Буюртмачи: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона вилояти ҳудудий  
бошқармаси**

Фарғона- 2022 г.

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Буюртмачи:	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси
2	Лойиҳа-смета ҳамда жорий таъмирлаш учун асос:	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисидаги” 684-сонли қонуни ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Банк Бошқарувининг 2022 йил 27 январдаги №6/1 сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган.
3	Буюртмачининг юридик манзили:	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қомус кўчаси 42-уй.
4	Объект номи:	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона минтақавий банк хизматлар офиси(БХО) биносининг 2-3 қаватларини мукаммал таъмирлаш ишлари
5	Қурилиш тури	Мукаммал таъмирлаш
6	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағидан
7	Лойиҳачи-смета ташкилоти	“IXTIYOR LOYIHA” Х/К
8	Бажариладиган иш-хизматларга қўйилган талаблар	<p>Бажариладиган ишлар бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжати асосида белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши шарт.</p> <p>Тақдим этиладиган смета ҳужжатлари таркиби қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жамланган ресурс ведомости;</li> <li>- Жамланган ресурс смета.</li> </ul>
9	Қилинадиган мукаммал таъмирлаш ишларининг тахминий нархи	574 378 753 (Беш юз етмиш тўрт миллион уч юз етмиш саккиз минг етти юз эллик уч) сўм ҚҚС билан
10	Қурилиш бўйича ўтказиладиган танлов қатнашувчилар учун талаблар:	Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиши, давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Корхона низомидан нусха. Корхонанинг иш бажариш ҳуқуққини берувчи лицензия ёки сертификати нусхаси(агар мавжуд бўлса). Корхона раҳбарининг тайинланганлиги тўғрисидаги буюруғидан кўчирма ва паспорт нусхаси. Охириги 3 (уч) йилда бажарилган ишлар тўғрисида

		<p>маълумотлар(фото иловалар) ҳамда буюртмачилар тавсияномалари илова қилинсин. Давлат Солиқ қўмитасидан (Солиқ қарздорлиги тўғрисида) маълумотнома (акт сверка) асли. Банкдан картатека-2 қарздорлиги бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотнома, Корхонанинг жорий санага бухгалтерия баланси (форма-1). Корхонанинг жорий санага молиявий ҳолати тўғрисида хисоботи(форма-2). Корхона таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари, Инсофсиз корхоналар реестрида йўқлиги тўғрисида маълумотнома, Белгиланган ишларни ўз вақтида (аниқ вақт кўрсатилсин), сифатли ва ишончли бажарилиши тўғрисида кафолат хати, Иштирокчи ҳисоб рақамида камида 100 млн сўм айланма маблағи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат. Корхонада малакалий ходимларнинг мавжудлигининг, маълумоти ва мутахассислиги (диплом ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар иловалар қилиниши шарт) Бино-иншоот, автомашина техника технология, асбоб ускуналар рўйхати (Техпаспорт, ҳисоб-фактура, ижара шартномаларидан нусха). Тақдим этилаётган ҳужжат ва иловаларда бажариладиган ишлар нархи беркитилган тартибда тақдим этилиши шарт(бундай иштрокчилар қатнашишига йўл қўйилмайди). Қурилиш таъмирлаш соҳасида камида 3(уч) йил иш тажрибага эга бўлиши шарт. Буюртмачи манзилидаги таъмирланадиган объект билан танишув далолатномаси.</p>
11	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	<p>Тўлов ҳисоб-китоби олдиндан 30% (ўттиз фоиз) тўлов ўтказилади. Бажарилган ишлар далолатномаси(Ф-2.Ф-3)га қараб шартнома қийматининг 50% (эллик фоиз) ҳамда қолган тўлов барча бажарилган ишлар тақдим этилгандан сўнг назорат ўлчов ишлари топшириш-қабул қилиш ишлари амалга оширилгандан сўнг 15%(ўн беш) ўтказилади. Кафолат давридан сўнг кафолат миқдори 5%(беш) ўтказиб берилади. (Кафолат даври (1 (бир) йил.)</p>

12	Иш бажариш муддати	Пудрат шартномаси бўйича олдиндан тулов ўтказилган санадан сўнг 60 (олтмиш) календар кун.
13	Меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида ходимлар хавфсизлигига тўлиқ, жавобгарлик иш бажарувчига юклатилсин.
14	Ёнғин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.	Бўлимни амалдаги меъёр ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш, шунингдек ШНК "Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги" дан фойдаланган ҳолда.
15	Қўшимча талаблар	Хужжатларда белгиланган норматив хужжатлар асосида ишларни ташкиллаштириш.